ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 212 (10.517) / 2005 ЙИЛ 27 ОКТЯБРЬ





«Сувжиҳозгаз» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси жамоаси кейинги йилларда эҳтиёжталаб ва сифатли, ҳар бир хонадонга керакли бўлган ҳисоблагичларни ишлаб чиқармоқда.

**СУРАТЛАРДА: корхонанинг касбига меҳр қўйган йиғувчиси Дурдона Шокирова иш устида; жамоа аҳлининг кўпчилигини ғайратли, ишчан ёшлар ташкил этиши албатта, қувонарли.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

## ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** "Камолот" ЁИҲ Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ташаббуси билан туманнинг фаол ёшлари Олимпия шон-шуҳрати музейига экскурсия қилишди.

● **КЕЧА** МҲСК ўйингоҳида Республика Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ ҳамкорликларида маҳалла болалари ўртасида ташкиллаштирилган "Футболимиз келажаги" турнирининг финал босқичи ўтказилди.

● **БУГУН** "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлимлари вакиллари маҳаллаларда истиқомат қилаётган етим, қаровсиз қолган болалар ҳолидан хабар олишди, болажонларга озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотлари туҳфа этишди.

● **БУГУН** Яккасарой туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида Рамазон ойи муносабати билан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги 235-мактабда мактабларнинг "Камолот" сардорлари учун ўтказилган ўқув семинари "Камолот" ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● «**КАМОЛОТ**» ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши ташаббуси билан туман маҳаллаларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари Тошкент ҳайвонот боғига экскурсия қилишди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Бали орол-шаҳрида яқинда содир этилган портлашлар муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдириб юборган мактубингиз учун самимий миннатдорлигимизни қабул қилгайсиз.

Сизнинг ҳамдардлик ва таъзия билдириб айтган илиқ сўзларингиз биз учун жуда қадрли. Албатта, бу юксак эътиборингиз нафақат ушбу жиноятлардан жабр кўрганларнинг оила аъзоларига, балки Индонезия халқи ва ҳукуматига ҳам катта таскин-тасалли берди.

Сизнинг бундай қўллаб-қувватлашингиз ва елкадошлигингизни юксак қадрлаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида террорчиликка қарши қатъий курашни давом эттиришга тайёр эканлигимизни яна бир бор таъкидлашга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

**Сусило Бамбанг ЮДХОЁНО,**
**Индонезия Республикаси Президенти**

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК — ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

**КЕЧА пойтахтда жорий йилнинг тўққиз ойида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларнинг амалга оширилишига бағишланган кенгайтирилган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.**

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш йўлидаги ривожланиш концепцияси, шунингдек, жорий йилда ҳамда келгуси даврда мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш бўйича асосий вазифаларни белгилаб берди. Бозор ислоҳотларини жадаллаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш борасида мамлакат раҳбари томонидан белгиланган устувор вазифалар ижроси жорий йилнинг ҳисобот даврида ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, жумладан Тошкент шаҳрида ҳам сезиларли ижобий таъсир кўрсатди. Ўтган давр мобайнида тадбиркорликни ҳимоя қилиш, ҳисоб-китоб, солиқлар тўлови, текширувлар тизимини тубдан ўзгартиришга йўналтирилган бир қатор муҳим Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли авваламбор тадбиркорлик ҳаракатини фаоллаштиришга, демакки, иқтисодий ислоҳотлар жараёнини жадаллаштиришга эришилди. Бунга Тошкент шаҳри бўйича 2005 йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида эришилган макроиқтисодий кўрсаткичлар далолат бўла олади. Жумладан, ҳудудий ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 110,5 фоизни ташкил этди ва бунда саноатнинг улуши 19,4 фоизга, қурилиш соҳасиники — 22,6 фоизга, чакана савдо айланмаси — 14,4 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш —7,8 фоизга ошди, уч баравар кўпроқ тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилган бўлса, хорижий сармоялар ҳамда кредитларнинг умумий ҳажми 142,4 фоизни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан маҳсулот экспорти ҳажми 5,8 фоизга кўп бўлди. Экспорт операцияларида айниқса 465 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаоллик кўрсатди. Тадбиркорлик фаолияти билан якка тартибда шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг республикадан ташқарига йўналтирилган маҳсулотлари ҳажми эса 10 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Ўтган тўққиз ой мобайнида 84,8 миллион АҚШ долларига тенг 16 та инвестицион лойиҳалар амалга оширилган бўлса, улар ҳисобига 4189 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Статистик маълумотларга қараганда, умуман олганда тўққиз ой ичида яхши кўрсаткичларга эришилганлиги ва бу борада авваламбор тўқимачилик йўналишидаги лойиҳалар татбиқ этилганини кўрсатиб ўтиш лозим. Ўтган давр мобайнида биргина пойтахтда ўнга яқин хорижий шерикларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этган ҳолда тўқимачилик ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Бу эса 77 миллион АҚШ доллари билан ўлчанади. Жорий йилнинг якунигача эса яна 10 та лойиҳани татбиқ этиш режалаштирилган бўлиб, уларнинг асосийси маҳаллий хом ашё асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича тўқимачилик соҳаси корхоналаридир.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинганига уч йил тўлди.**

● **«Ўзбекистон» нашриёти «Ислом хадари» концепцияси рисоласини ўзбек тилида нашр этди.**

● **Давлат мулки қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилнинг 9 ойида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлиси қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.**

● **Жиззах тумани халқ таълими бўлимида Юртбошимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат Умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ижросига жавобан ахборот технологиялари маркази ташкил этилди.**

● **Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманида Осиё тараққиёт банки молиявий кўмаги остида маҳалланинг 188 хонадони, юқумли касалликлар шифохонаси ва ўрта мактабни ичимлик суви билан таъминловчи қувур тортилди.**

● **Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Аёл маънавияти» мавзуида кўрик-танлов бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

● **Ироқ сайлов комиссияси 15 октябрь куни ўтказилган референдумда мамлакат аҳолиси янги конституция лойиҳасини қўллаб-қувватлаганлигини маълум қилди.**

● **Имкон қадар мукаммал хавфсизлик чоралари кўрилишига қарамасдан АҚШнинг Флорида штатига хуруж қилган «Вильма» тўфони 10 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Кўплаб иншоотлар ва уйлар вайронага айланди.**

● **Венгриялик олимлар парранда гриппига қарши янги вакцинани муваффақиятли синовдан ўтказдилар. Тажрибалар 100 нафар кўнгилли киши, жумладан, мамлакат соғлиқни сақлаш вазири устида ўтказилди.**

● **Ҳиндистоннинг жанубий қисмига кейинги 130 йил давомида энг кучли ва тўхтовсиз ёмғирлар ёғиши натижасида сув тошқинлари рўй бериб, 50 киши ҳаётдан кўз юмди. Кўпгина штатларда жамоат транспорти ва аэропортлар фаолияти издан чиқди, ўқув масканларида таълим жараёни тўхтатилди.**

*Истеъмолчилар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида*

# ЕНГИЛЛИК ВА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИБ

**Кундалик ҳаётда истаймизми йўқми, деярли барчамиз истеъмолчига айланамиз. Бироқ истеъмолчи сифатида қандай маҳсулотни харид қилиш керак, қайсинисининг эса ҳожати йўқ, буни аксар ҳолатларда унутиб қўямиз. Бу борада жойлардаги истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари кўмагидан фойдаланиш лозим.**

Мамлакатимизда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун 1996 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган. Шу йиллар мобайнида бу борада ўзига хос тизим яратилди. Соҳага дахлдор ҳуқуқий база кучга кирди. Шуни айтиш керакки, Учтепа тумани Истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятининг жорий йилдаги тўққиз ойи якунлари сарҳисоб қилинганида бу борадаги ишлар ижобий ҳал этилаётганининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, тумандаги корхона ва муассасаларнинг 10 тасида, шунингдек, 20 та ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида семинар-мажлислар ўтказилди.

Ана шу самарали интилишларнинг таъсири ўлароқ ҳозирда жамият аъзолари сони 2300 нафарга етказилди ва бу жараён ҳалигача давом этмоқда. Бундан ташқари аҳолидан тушган 35 та ёзма, 40 дан зиёд шикоятлар ўз вақтида ҳал этилди.

— Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини қонун меъёрлари доирасида муҳофаза этиш аввало биз соҳа ходимларидан катта масъулиятни талаб этади, — дейди Учтепа туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Дониёр Рустамов биз билан суҳбатда. — Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, қисқа фурсатлар ичида аъзоларимиз сони кескин равишда ортишига эришдик. Бу борадаги муаммоларнинг ижобий ҳал этилишида туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, 10-сонли туғруқхона, марказий шифохона маъмуриятига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Албатта, ҳар бир соҳадаги амалий ишлар назарий кўникмалар негизида барқарорлик ва ривож йўлидан боради. Буни яхши англаб етган жамият мутасаддилари ташаббуси билан Учтепа туманида «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳужжатларини ўрганиш бўйича ўқув-семинар уюштирилди. Унда тингловчи сифатида иштирок этган 55 нафар таянч гуруҳи раҳбарларига истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Ушбу тадбирнинг якуний босқичи — тингловчиларга ҳужжатлар тўплами ва сертификатлар топшириш маросимида иштирок этган Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси ўринбосари Давронбек Шодибеков, Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси вазифасини бажарувчи Баҳодир Абдуқаюмов ва Учтепа туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Дониёр Рустамовлар истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалар юзасидан зарур чора-тадбирлар ва вазифалар белгилаб олинди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**Халқимизда "Тил билган дил билар" деган доно нақл бор. Тил — миллатнинг тарихи, маънавияти, кўзгусидир. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлиги Мустақилликнинг буюк неъматларидандир.**

## ИНСТИТУТДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Яқинда Тошкент Давлат шарқшунослик институтида таниқли адиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Хуршид Дўстмуҳамедов, Миробод тумани ҳокимлигининг масъул ходимлари иштирокида ўзбек тилининг моҳияти ва аҳамиятига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан нотиқлар давлат тилининг моҳияти ҳақида талабаларга сўзлаб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Учрашувда хорижлик талабалар ҳам қатнашиб, кўҳна маданий меросга эга бўлган тилимиз ва унга эътиборнинг кучайиб бораётганлиги уларда катта қизиқиш уйғотди. Сўнгра русийзабон ва хорижлик талабалар иштирокида атоқли адиб Саид Аҳмад қаламига мансуб "Келинлар қўзғолони" спектаклидан саҳна кўриниши ўзбек тилида намойиш этилди. Япония ва Хитой гуруҳи талабалари ўзбек мумтоз рақсларидан бирнечтасини ижро қилдилар. Ўзбек тилини қизиқиш билан пухта ўрганаётган ҳамда ўзбек миллий либосини кийган бошқа миллат қизларининг саҳнадаги чиқишлари тадбирга ўзига хос файз-таровват бағишлади. Хорижлик ва русийзабон талабаларнинг маданий дастури муносиб кутиб олинди ва институт бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан уларга гулдасталар, эсдалик совғалар тақдим этилди.

**Табошар ЙЎЛДОШЕВ,**
**Тошкент Давлат шарқшунослик институти Маънавият ва маърифат ишлари бўлимининг бошлиғи**

**Севимли шоирамиз Зулфияхонимнинг**

*Салом менинг азиз*
*дугоналарим,*
*Азизим, лобарим,*
*чеварим қизлар,*
*Эй, тоза қалбимнинг ошнолари,*
*Куйларим, илҳомим*
*севарим қизлар...*

**дея битган шеъри гўё шоиранинг бугунги кундаги кўплаб издошлари бўлган оқилаю доно қизларга қарата айтилгандек гўё. Ҳақиқатан ҳам ҳозирда Зулфияхонимдек ҳар томонлама етук шоира бўлиш орзуси кўпчилик қизларнинг қалбларида қатъий мақсадга айланган. Шу билан бирга ардоқли шоира Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлиш орзусидалар.**




*Танловлар*

# ОҚИЛАЮ ДОНО ҚИЗЛАР



Мамлакатимизда мана бир неча йилдирки Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар сараланиб ғолиблар аниқланмоқда. Ойдин, Наргиза, Дилором, Камола, Наргис каби ҳар томонлама доно ва билимдон, зукко қизларимиз ушбу нуфузли мукофот совриндорлари бўлдилар. Бу лобар қизлар ҳозирги кунда ўз йўналишлари бўйича катта мақсадларни кўзлаган ҳолда самарали ишларни олиб боришмоқда. Шуниси қувонарлики, мана шундай истеъдодли қизларимиз сафи йилдан йилга ортиб бораётир. Ҳар йилги анъанага мувофиқ ҳозирда шаҳримизда ушбу мукофотга номзодларни аниқлаш мақсадида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилмоқда. Куни кеча Яккасарой туман ҳокимлигида мазкур танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда маҳаллалар хотин-қизлар комиссияси раислари, ФҲДЁ ходимлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари, туманнинг фахрий аёллари, «Камолот» ЁИҲ аъзолари, олий ўқув юрти, коллеж ва лицей ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Саҳнага танлов иштирокчилари бўлган ўн бир нафар бир-биридан лобар ва гўзал қизлар чиқиб келишди. Улар фан ва таълим, санъат ва маданият, адабиёт йўналишлари бўйича ўз иқтидорларини намоён этишга киришишди. Қизлар танловда иккита шарт, яъни танишув ва эркин мавзуда билим-маҳоратларини кўрсатишди. Қизларнинг ҳар бир чиқишларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари муносиб баҳолаб бордилар. Бир-биридан истеъдодли қизлар орасида айниқса Ирода Шоюнусованинг ёзган таъсирчан шеъри, Паризода Шерматованинг жозибали рақси, бўлғуси дизайнер Замира Акрамова яратган миллий либослар моделлари барчага манзур бўлди.



— Туманимизда мана шундай истеъдодли қизлар борлигидан фахрланамиз. Бу бир-биридан доно, оқила ва ўткир зеҳнли қизлар фақат юқори баҳога муносиб,— дейди Яккасарой туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилором Шарипова. — Қизларнинг ҳар бир чиқишларини кўриб ниҳоятда хурсанд бўлдик. Ўйлайманки, бу қизлар келгусида ўз билимлари, истеъдодлари билан мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Қувноқ куй-қўшиқлар, жозибали рақслар билан ниҳоятда қизиқарли ва шодиёна руҳда ўтган тадбир сўнгида танлов иштирокчиларига муносиб баҳо берилиб, улар «Камолот» ЁИҲ туман бўлими томонидан эсдалик совғалари, гулдасталар билан тақдирландилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Яккасарой туман босқичидан лавҳалар.**
**Наталья Семёнова олган суратлар.**

*Транспорт*

## МАВСУМГА ТАХТ

**"Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик компанияси корхоналарида кузги-қишки мавсумга катта тайёргарлик кўрилди. "8-Автосарой" транспортчилари ҳам бу тадбирни уюшқоқлик билан амалга оширдилар.**

Сарой ихтиёридаги 90 та транспорт воситаси соз ҳолатга келтирилди. 12 та йўналиш бўйича хизмат қиладиган автобуслар техник кўрикдан ўтказилди. Бу эса йўналишга чиқариладиган транспорт воситаларининг ҳаракат таркибини шай ҳолга келтириш имконини берди. Айни вақтда корхона биноларининг, иссиқлик тизилмалари таъмирланиб, ёқилғи қуйиш жойлари тартибга келтирилди.

## МАРКАЗДА ЯНГИ ЦЕХЛАР

**Бугунги кунда Германиядан олиб келинган "Мерседес-Бенц" автобусларидан кенг фойдаланилмоқда. Уларнинг мунтазам бир текисда ҳаракатланишини таъминлаш учун намунали техник хизмат кўрсатиш муҳимдир.**

Пойтахтимиздаги "Мерседес-Бенц" сервис хизмат маркази жамоаси ҳам бу борада тадбиркорлик билан иш юритмоқда. Марказнинг техник негизини янада мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда.

Бу ерда мотор цехининг бунёд этилиши ҳам айни муддао бўлди. Унда двигателларни "комплекс" таъмирлаш йўлга қўйилди.

Яна бир янгилик. Марказда ғилоф тикиш цехи ҳам очилди. Эндиликда саройнинг ўзида автобус ўриндиқларини таъмирлашга эришилмоқда.

## "МОҲИР ҲАЙДОВЧИ" КЎКРАК НИШОНИ

**"Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик компанияси тизимида муҳим янгилик амалга ошди. Компания бошқаруви қарори билан "Моҳир ҳайдовчи" кўкрак нишони таъсис этилди.**

Компанияга қарашли автокорхона ва саройларга узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилиб, ҳайдовчилик касбини улуғлаб келаётган транспортчиларни мукофотлаш мақсадида бундай ибратли тадбир кўрилди.

Йўловчи ташиш маданиятини ошириш, йўналишларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жорий этилган кўкрак нишони ҳайдовчиларнинг касб байрами — "Автомобилчилар куни"да тақдим этилади.

**Акбар АЛИЕВ**

## Оила даврасида

*суҳбатлар*

*Ҳаёт сабоқлари*

# ТЎЙ НЕГА ҚОЛДИРИЛДИ?...

Ўша куни совчилар қизникидан оқ ўраб келишди. Ҳамма хурсанд. Ахир йигит ва қиз бир-бирларини ёқтиришади. Бунинг устига оилалар ҳам ўзаро мос.

— Тўйгача уйни бироз таъмирлаш керак бўлади. Мен ҳам қараб ўтирмай катта идораларга борай, арзон баҳода қурилиш материаллари ажратишларини сўрайман, ахир шунча йиллик меҳнатларимни ҳисобга олишар, — деди ёши саксонларга бориб қолган йигитнинг бобоси.

— Тўй тараддуди бошланиб кетди. Юқори идора раҳбари бобони яхши кутиб олди, "Ҳужжатларни тўғрилаб келаверинг, ҳамма сўраганларингизни ҳал қилиб берамиз" деди. Отахон икки-уч кундаёқ зарур қоғозларни тўплади. Ва яна ўша идора томон йўл олди. Борсаки, ҳаммаёқ жимжит, сочларини елкасига ёйиб олган котиба қиз аллақандай журнални варақлаб ўтирарди. У отахонни кўрдию нималардир деб пичирлади. "Тавба, биз ўзимиздан катталарни кўрсак дарров ўрнимиздан туриб салом берардик, ҳозирги ёшлар сал бошқача, манманроқмией..." оғриниб ўйлади чол.

Анча фурсат кутиб ўтиргач, қиздан секингина сўради:

— Бошлиқ келдими?

Қиз хушламайгина деди:

— Бугун шаҳарда мажлислари бор. Келсалар ҳам сизни қабул қилмайдилар!

— Нега?

— Қабул кунлари душанба, сешанба бўлади.

— Мен ўша кунлари келувдим, қизим. Бошлиқнинг ўзи "қоғозларни тўғриласангиз, тўппа-тўғри олдимга кираверинг" деганди.

— Нега тўппа-тўғри кираверарқансиз? Унда мен бу ерда нима қилиб ўтирибман?!

"Тавба, бобоси тенги одам билан гап талашади-я!" ажабланиб ўйлади отахон.

Буниси ҳали ҳолва экан...

Бир пайт бошлиқ келди. Котиба ўрнидан дик этиб турди.

Бошлиқ ҳеч қаёққа қарамасдан хонасини очиб кираркан, "битта чой дамланг" дея котибага буюрди. "Хўп, ҳозир" дея қиз. У чойнакни кўтариб йўлакка чиқди. Худди шу пайт чол ўрнидан туриб ҳассасига суянди, сўнг бошлиқ эшиги томон секин борди.

— Тўхтанг!

Қўлида чойнак билан чопиб келган котиба отахоннинг йўлини тўсди. Унинг кўзлари олайиб кетган, лабларини қаттиқ қимтиб олган эди.

— Нега рухсат сўрамасдан ичкарига кирмоқчисиз?

— Қизим, бошлиғинг ҳозир мени кўрмай қолди, бўлмаса-ку аллақачон ичкарига бошлаб кирарди. Келаверинг деб ўзи айтган.

— Йўқ, кирмайсиз. Бугун қабул кунлари эмас!

— Қизим, шундоқ кирамату чиқаман...

— Э, қанақа тушунмаган одамсиз? Қани, коридорга чиқинг! Мен сиз учун гап эшитаман ҳозир!

— Қоғозлар тайёр, ҳеч бўлмаса ўзинг бир кўрсатиб чиқсангчи, кутиб тураман, қизим?

— Йўқ деган сўзниям тушунмас экансиз. қани, боринг, боринг!

— Котиба отахоннинг елкасидан ушлаб худди итаргандек йўлакка бошлади.

— Қизим, мен...

— Уф-ф! Жонга тегдингиз-ку? Қайтиб келманг бу ерга! Қабул куни келгуси ҳафта бошида, эшитдингизми?!

Отахон тушкун бир алпозда уйига қайтди. "Тавба, қиз болаям шунақа қўрс бўладими? Ишим битмадия... Бу ёқда усталар бекор туриб қолишди. Эссиз..."

Кейинги ҳафтада отахон бошлиқ ёнига кириш учун яна ўша котиба қизга рўпара бўлди. У бир дугонаси билан берилиб гаплашиб ўтирарди.

— Бошлиғинг ўзидами, қизим?

— Ҳм, кираверинг.

Отахон эшик тутқичига қўл узатаркан, котибанинг дугонасига секин айтган гапини эшитиб қолди:

— Искирт чол!

Шу бир оғиз сўз чолнинг юрагини ўқдек тешиб ўтди, гўё. У хушмуомала бошлиқдан яхши сўзлар эшитиб, ишини тўғрилаб, уй томон жадал бораркан, набираси қатори бир қиздан оғир ҳақорат эшитганига асло чидолмаётганди. "Бунақа қизларни қандай ота-она тарбия қиларкан-а? Шунақа қиз уйингга келин бўлиб келсами.. Астағфируллоҳ!"

Тўй тараддуди тезлашди. Бир куни отахон набирасига деди:

— Бир-икки маҳалла нарида Содиқ бувanг бор, урушда бирга жанг қилганмиз. Уни тўйга айтиб келай, мен билан юр.

Иккиси йўлга тушишди. Ишни битказиб, кечга томон қайтишди. Автобус кутиб бекатда бироз туриб қолдилар. Ниҳоят автобус келиб отахон набирасини излай бошлади, қараса, йигит сал нарида бир қиз билан сўзлашиб турибди.

— Собиржон, болам, кетайлик... Отахон набирасининг ёнидаги қизни кўрдию "Во дариғ!" деб юборди. Бу ўша... уни йўлакка итариб чиқарган, бу ҳам етмагандай "искирт" деб ҳақоратлаган қиз эди. Қиз ҳам чолни таниди шекилли, безовталаниб қолди. Сўнг йигитга "хайр" деди-да тезгина жўнаб қолди. Набираси жилмайиб унинг ёнига келди:

— Бобожон, бу қиз... бўлғуси келинингиз!

— А?! Йўғе? — Бобо бир қалқиб кетгандай бўлди. Кейин ўйланиб қолди.

Сўнгра шошиб сўради:

— Қаерда ишлайди?

— Сиз бир неча марта қатнаган идорада котибалик қилади. Тағин уялиб юрмасин деб ўшанда боришингизни унга айтмовдим.

— Ҳм-м, шунақа де..

Ўша куни кечга бориб бобонинг мазаси қочди. У ич-ичида ўзи билан ўзи олишди. Қизнинг бадфеъл эканлигини уйдагиларга айтай деса тўйга ҳам яқин қолди, айтмай деса... Кейин пушаймон бўлиб қолмасмикин? Йўқ, у ўша тарбиясиз қизнинг бу хонадонга келишини истамайди, ахир у шу феъли билан набирасини бахтли қила олармиди?! Бунга ишониш қийин.

Хуллас, тўй қолдирилди. У ёқда эса Сарвинисо севгисини, бахтини бой берганидан қаттиқ пушаймонда эди.

Тўй қолдирилганидан қизнинг ота-онасиям афсусда, улар бор гапни эшитишган, айбни кимга ағдаришни билмай бир-бирлари билан тортишишарди.

— Ўқитувчилик қилиб болаларга тарбия бердингизу ўз қизингиз тарбиясини йўлга сололмадингиз, ёлғизим деб эркалатдингиз, — дер эди она юм-юм йиғлаб.

— Қиз боланинг тарбиясига она жавобгар. Сен бозорма-бозор кезиб юравердинг, бу қиз уйдами, кўчадами, қизиқмадинг, мана оқибати! — дерди заҳархандалик билан ота.

Қиз эса ичкарида ҳамма гап-сўзларни эшитиб юраги изтиробга тўлиб борарди.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

## ТАФАККУР КАМОЛОТИ

● Таъмагир дўстдан қочинг, у фақат ўз фойдаси учун сиз билан «дўст»лашган.

● Мулойимлик яхши фазилат, агар унинг ортида худбинлик бўлмаса.

● Машҳур кишиларнинг барида одоб-ахлоқ баркамол деб айтиш ёлғон бўлади.

● Камгаплик ҳам, кўпгаплик ҳам касаллик. Инсон меъёрида гапиргани маъқул.

● Ҳасад тенгсизликдан туғилади.

● Одамларнинг бир-биридан фарқи уларнинг одоб-ахлоқидадир.

● Хунук одам бўлмайди, унинг хулқи хунук бўлиши мумкин.

● Сахий бўлай десангиз Ҳотамтойдан ўрганинг.

● Мени уларга мақтайди, деб қараб уларга илтижо қилиш мусулмончиликдан чиқишдир.

● Ўта мулойим бўлиб кўринувчи катта лавозимдагилар олдида жилпанглаб турувчи кимсалардан қўрқинг. Улар олдингизда тиржайиб туриб, орқангиздан тош отадилар.

● Бошлиғингизга виждон ҳақида гапирманг, бу фазилат ундан аллақачон қочиб кетган, хафа қилиб қўясиз.

● Умрингиз лаззатини узайтирмоқ истасангиз, соғлом бўлинг ва кўп савобли ишлар қилинг.

● Дунё гўзаллигини кўрмоқ ва ундан баҳра олмоқни истасангиз, ҳар жиҳатдан соғ бўлинг.

● Юрак кулсагина кула оласиз.

● Самимий кулги доим чиройли.

● Мен кураш тарафдориман. Фақат бу кураш фикрлар кураши бўлмоғи керак.

**Тўлқин МУҲИДДИН**

*Бўш вақтингизда*

# КРОССВОРД

**Энига:** 1. Юза бирлигига мос келувчи куч. 5. Тўти тури. 6. Шарқона кўҳна сарой. 10.Ер шарининг шимолий қутби ҳудуди: 12. Саноат ёки савдо бирлашмаси. 13. Мавжуд вазият. 15. Буюмнинг катта-кичиклигини ўлчаш асбоби. 17. «Уэмбли» футбол стадиони жойлашган пойтахт. 19. Маслагига содиқ инсон. 22....Абдуазимова /шоира/. 24. Мунтазам равишда маълум даврда уюштириладиган катта бозор. 26. Металл. 27. Ошкор, аниқ. 29. Савдодаги маҳсулот.

**Бўйига:** 1. Ироқдаги шаҳар. 2.Гвинея Бисау песосининг юздан бири. 3. Товарнинг завод белгиси. 8. Ука сўзи маънодоши. 9. Таниқли кўзбойлоқчи, цирк артисти. 10. Сувда ва қуруқликда яшовчи жонивор. 11.Томонларнинг келишув ҳужжати. 12. Табобатда танадаги оғриқ манбаи. 14. Олтин шиша. 18. Рус адиби. 20. Мўътабар зот. 21. Монополия шаклларидан бири. 22. Безак учун ишлатиладиган укки пати. 23. Заргарлик ашёси, жавоҳир.

**Белгиланган хонадан соат мили йўналишида:** 4.Сонни даражага кўтарганда берилган сонни ҳосил қиладиган даража кўрсаткичи. 7. Олий илмий муассаса аъзоси. 16. Мингта миллион. 25. Энг серсув дарё. 28. Бинонинг товушни кучайтириш қобилияти.



**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1.Маълум тартибда аҳолидан ундириладиган маблағ — 5, 11, 10, 4, 1.

2. Қаттиқ буюмни сайқаллаш, металлдан ишланган асбоб — 8, 13, 11, 14.

3. Бинонинг томи билан шифти оралиғидаги жой — 15, 11, 3, 6, 11, 1.

4. Таомга солинадиган кимёвий ашё — 7, 9, 12.

5. Чаҳорёрлардан бири — 2, 10, 4.

Очқич сўзлари жавоблари асосида шаклнинг ён томонларидаги рақамларда яширинган ҳикматни билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 20 ОКТЯБРЬ СОНИДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**Энига:** Магистратура. Зебра. Морзе. Ложувард. Ара. Гол. Аскарлик. Лао. Фарида. Алиф. Дин. Гул. Кама. Орган. Ар. Сомали. Шом. Ричаг. Мен. Билан. И.Тўфа. Романов. Гилам. Масъулият. Ел.

**Бўйига:** Жамна. Маргимуш. Челак. Мулланафас. Гажак. Севара. Дўкондор. Зодагон. Орзу. Ер. Азал. Икрор. «Урал». Алаф. Лар. Ел. «Зенит». Офицер. Мол. Вал. Ём. Ирис. Угра. Еш. Лодигин. Ис. Оч. Сабо. Дўлана.

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● **Ҳикмат.** Ҳар ким туҳматчилар қаторида ўтирса, уни туҳматчиликда айбласалар, ўзидан хафа бўлсин. Ҳар ким ўз сирини яширса, надомат ва пушаймонлик тортмайди. Бу ҳақда яхши айтганлар:

**Ошкор қилиб бўлмас**
**сирларинг бўлса,**
**Дилингга жойла-ю**
**унга муҳр бос.**
**Эл оғзига тушгач,**
**зиёни кўпдир,**
**Икки лаб ичидан сир**
**чиқса бехос!**

●Ёлғондан ичилган қасамнинг охири хорликдир. Ўлим хавфи бўлса ҳам, ҳамиша рост сўзламоқ керак.

● Доимо парҳезгар ва доно кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак.

Байт:

**Насиҳатим бўлса**
**беғараз,**
**Жони билан**
**тинглайди киши.**
**Фойдами ё зиён**
**барибир,**
**Тинглайвериш**
**бефаҳм иши!**

● **Ҳикмат.** Аристотель шундай ёзади: «Иззат тиласанг иффатли бўл, улуғлик тиласанг мулойим бўл, зафар тиласанг адолат йўлини тут, қадр тиласанг ростгўй бўл, нажот тиласанг сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг жидду-жаҳд қил!»

Байт:

**Дунё моли гўё**
**булут сояси,**
**У ёндан бу ёнга**
**ўтар ҳар замон.**
**Шунинг учун**
**молнинг эътибори йўқ,**
**Бир онда ўзгариб**
**қолар ногаҳон.**
**Ҳушёр киши шундай**
**кишики доим.**
**Топганини элга**
**қилади эҳсон.**

● Бир ёлғончи ва беҳуда сўзловчи киши лоф кўчасига кириб, дерди:

**«Мажастий» бирла**
**«Ўқлидис» билурман,**
**Бу фан бобида юзни**
**мот қилурман.**

Замона саҳифасида ва замину осмон теграсида, умуман, эл орасида нимаики бўлса менинг кўзларимга аёндир!

Унинг беҳуда ва паришон аҳволидан воқиф бир доно унга деди: «Кўп баланд пастга учма, ёлғончилик кўйига тушма! Юзқа бориб юрмайлик, айтчи, иягингдаги соқолинг толаси нечта?»

Байт:

**Беҳуда гапларни**
**гапирса киши,**
**Гапидан ортажак**
**бошда ташвиши.**

● Бойликнинг умри боқий бўлмайди. У гўёки сувли чашмага ўхшайди. Бир нафас олгунингча ёки кўзингни очиб юмгунингча бу чашманинг суви қуриб қолиши мумкин.

**Эшитдимки,**
**жамшид — соҳиби олам,**
**Чашмадаги тошга**
**ўтириб шу дам,**
**Деди: «Кимлар**
**бунда ўтирган шодон,**
**Аммо, кўз**
**очмайин бўлгандир**
**вайрон»!**

● Барзу ал Ҳаким айтади:

— Беш киши, беш айбга йўл қўйса, беш пушаймонлик мевасини тотади. Биринчиси, зарур ишни орқага суради ва вақти кетади. Иккинчиси, яқин дўстини хафа қилади ва балога мубтало бўлади, учинчиси, душмандан эҳтиёт бўлишдан ғофил бўлади ва зиён кўради. Тўртинчиси, хаёли, покдамон хотинни қўлдан беради ва ёмон хотинга дучор бўлади. Бешинчиси, гуноҳ ишлардан қўрқмайди, оқибат ўлимга маҳкум бўлади.





Китоб — билим манбаи, ҳаёт сарчашмаси. Ўқиб, изланмоқ эса, ёрқин келажакка йўлланмадир.

# БМТ: ИСЛОҲОТЛАР ЧОРРАҲАСИДА

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу йил 60 ёшга тўлди. Ўтган давр мобайнида мазкур ташкилот ер юзида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, умумбашарий сиёсат ва иқтисодиётда барқарорлик ва уйғунликни таъминлаш, турли ижтимоий ва экологик муаммолар ҳамда инсоният ҳаётига рахна солувчи турли хасталикларга қарши курашнинг халқаро механизмларини яратишда муҳим ўрин тутгани шубҳасиз.**

Бугунги замон воқелиги эса Миллатлар ҳамжамиятини тубдан ислоҳ этишни тақозо этаётир. Бу эҳтиёж, хусусан, БМТнинг бош органлари — Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеядан тортиб унинг турли ёрдамчи муассаса ва агентликлари ишини тамомила янгича мезонлар асосида қайта кўриб чиқишда намоён бўлмоқда.

Хусусан, Хавфсизлик Кенгаши ҳақида гапирганда бир омилни таъкидлаш керакки, мазкур органнинг доимий аъзолари таркиби бугунги давр сиёсий-иқтисодий воқелигига мос эмас. Шу боис ХК доимий аъзолари сонини халқаро майдондаги кучлар мувозанатининг ҳозирги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда белгилаш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Айни вақтда БМТ бош қароргоҳида мазкур масала мамлакатлар делегациялари ўртасида кенг муҳокама этилмоқда. Билдирилаётган фикрлар эса турлича. Бир гуруҳ давлатлар Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари таркибига Германия, Япония, Ҳиндистон ва Бразилияни киритиш лозимлигини таъкидласа, бошқа бир гуруҳ давлатлар эса «доимий аъзолар клуби»ни кенгайтиришнинг ҳожати йўқлигини уқтиради.

Шу билан бирга, институционал ислоҳотлар зарурияти БМТ нинг муҳим йўналишлардан бири — тинчликпарварлик фаолиятини ҳам шаклан ва мазмунан янгилашни тақозо қилмоқда. Шу нуқтаи назардан Бош Ассамблеянинг 59-сессияси доирасида БМТ Тинчлик қурилиши комиссиясини ташкил этиш борасида дунё мамлакатлари ўртасида келишувга эришилганини муҳим қадам сифатида баҳолаш мумкин.

БМТни ислоҳ этиш доирасида қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлаётган масалалардан яна бири ташкилотнинг инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи мусассалари фаолиятидир. Ривожланаётган давлатларнинг фикрича, сиёсий ва молиявий жиҳатдан катта имкониятларга эга бўлган айрим мамлакатлар кўп ҳолларда мазкур муассасаларни ўз стратегик мақсадлари учун истифода этмоқда. Бу эса инсон ҳуқуқлари борасидаги фаолиятнинг сиёсийлашувига сабаб бўлаяпти.

Қолаверса, ривожланаётган давлатлар томонидан билдирилаётган яна бир эътироз шуки, инсон ҳуқуқлари борасидаги ишлар асосан сиёсий ҳуқуқлар атрофида чегараланиб қолаётир. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар эса аксарият ҳолларда назардан четда қолади ёки мутлақо эътиборга олинмайди.

Умуман олганда, айни вақтда Миллатлар ҳамжамияти мураккаб бир даврни бошдан кечирмоқда. Таъбир жоиз бўлса, у ҳозир жавобларидан кўра саволлари кўп жараёнга рўпара бўлиб турибди. Бу жараёнда қабул қилинажак қарорлар ва келинажак тўхтамлар мазкур ташкилотнинг халқаро муносабатлардаги эртанги ўрни ва салмоғини белгилашда жуда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

**«Жаҳон» АА**

# ТОШКЕНТГА БАҒИШЛАНГАН СОНАТА

**“Тошкент алоҳида романтик сонатага сазовор ва мен албатта уни ёзаман!” – деб таъкидлади таниқли бастакор пианиночи-муғанний Патрик Шейдер, консерваторияда ўтказилган яккахон концерт дастурида. Мазкур тадбир Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Виктор Гюго номидаги Франция маданият маркази, Дўстлик жамиятлари Кенгаши ва Республикамиз Давлат филармонияси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Патрик Шейдернинг Марказий Осиё давлатлари бўйлаб гастрол-турнеси якуний концерт дастуридан Шопен, Шуберт, Шуман, Лист каби таниқли бастакорлар ҳамда ўз асарлари жой олди. Концерт дастурининг шу йўсинда ташкил этилишида ҳам жон бор. Бастакор-созанда ўз ҳис - туйғулари, кечинмалари, бор ижрочилик маҳоратини намойиш қилишда юқорида номлари келтирилган бастакорлар ижодига мурожаат этади. Шопеннинг ҳассос ва жўшқин асарлари Патрик Шейдерга ижодий илҳом бахш этди. Тошкентда ўтказилган концертларда мусиқа ихлосмандлари унинг ижод намуналари ва ижрочилик маҳоратидан катта завқ олишди. Шейдер ўзини нафақат уста пианиночи, балки ўзи севган бастакорларнинг ҳаёти ва ижодининг ўткир билимдони эканини ҳам кўрсатди. Концерт чоғида бастакор-созанда Шейдер томошабинлар билан самимий мулоқоти ноктюрн, соната, полонез каби мусиқий асарларни янада теранроқ тушунилишига кўмак берди.

Франциялик пианиночи бундан ўн йил аввал Тошкентда бўлган эди. – Ана ўшанда мен бир ўзбек рассомининг картинасини сотиб олгандим, — деди у. — Ҳозир у менинг коллекциямда алоҳида ўрин тутади. Турли ранг тасвир асарларни тўплаш ижодкорнинг яна бир қизиқарсидир. Умрининг кўп қисми гастролларда ўтишига қарамай, у Париж яқинидаги уйига жуда боғланиб қолган. Сабаби у ерда мўъжазгина боғ, ажойиб гулзори бор. — Гулларга қараш ижодий ишимда ёрдам беради, — деди бастакор.

Бастакор-созанданинг илҳом париси — рафиқаси Моник санъатшунос. Эрининг гастролларида ҳамроҳлик қилаётган Моник Тошкентдаги Виктор Гюго номидаги француз маданият марказида Фредерик Шопен ва Жорж Санд ҳаёти ҳақида маъруза қилди.

Патрик Шейдер 1959 йилда Парижда таваллуд топган. Париждаги Олий мусиқа мактабининг фортепьяно бўлимини тамомлаган.

**Сурайё НАЗАРХЎЖАЕВА,**
**“Туркистон-пресс”**

# «02»: ҲОДИСАЛАР

**● Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси ходимларининг пойтахтимизда олиб борган навбатдаги “Тун” тезкор тадбирида, муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган, қидирувда бўлган, Навоий вилояти фуқароси Е.Алексей қўлга олинди.**

У бир неча бор талончилик жиноятларини содир қилиб келган. Сўнгги жиноятни Мирзо Улуғбек туманида жойлашган озиқ-овқат дўконларидан бирида амалга оширган. Яъни, дўкон эшигининг ойнасини синдириб кириб, у ердан 153 000 сўмлик турли хил тамаки маҳсулотларини ўғирлаб кетган. Шунингдек, шериги — Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи С.Равшан билан тил бириктириб, фуқаро Ҳабибуллаевга тегишли бўлган Мирзо Улуғбек туманида жойлашган дўконнинг деразa ойнасини синдириб кириб, у ердан 67 000 сўм қийматдаги 230 дона турли хил кўл соатларини, 40 дона зажигалкаларни ўғирлаб кетишган. Бундан ташқари, Алексей ва Равшанлар тунда, кўчада кетаётган фуқаро Т.Қўлдошевни тўхтатиб, унга куч ишлатиб тан жароҳати етказиб, қўлидаги “Алкатель” русумли уяли телефон аппаратини, спорт кийимини, “тетрис” русумли электрон аппаратини ва 13000 сўм пулини тортиб олишган. Юқоридаги келтирилан тезкор маълумотлардан хабар топган Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят қидирув бошқармаси ходимларининг олиб борган тезкор қидирув тадбирлари натижасида, бир неча бор турли жиноятларни содир қилиб келган, қидирувда бўлган ушбу зўравонлар қўлга олинди.

Ҳозирги вақтда Алексей ҳамда Равшанларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, улар томонидан содир қилинган барча жиноят тафсилотлари аниқланиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Шунга ўхшаш жиноят Сергели туманида ҳам содир қилинди. Муқаддам судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган Сергей ўз шериклари, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган Володя ва Жамшидлар билан ўзаро тил бириктириб, ўтган-кетганларни талон-тарож қилишни режалаштиришади. Жумладан Сергели туманида жойлашган мактабларнинг бири ёнида, шу ердан ўтиб бораётган фуқаро Зайнутдинов ҳамда Петровларни тўхтатишиб, уларни тош билан уриб, жароҳат етказиб, эгнидаги кийимларини, пулларини ҳамда уяли телефонларини олиб, қочиб кетишган. Орадан бир сутка ўтгач Сергей ушбу туманда, эски таниши Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи И.Касаткин билан маст ҳолда, ўзаро жанжаллашиб, унга пичоқ уриб тан жароҳати етказиб, воқеа жойидан ғойиб бўлган. Натижада, И.Касаткин “қорин қисмига ўткир тиғ билан санчилган ва кесилган жароҳатидан кўп қон йўқотиш” ташхиси билан шифохонага олиб кетилган. Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят қидирув бошқармаси тезкор ходимларининг олиб борган қидирув ишлари натижасида, Сергей ва унинг шериклари қўлга олинди. Ҳозирда бу жиноий гуруҳга нисбатан “босқинчилик, ўғрилик ва инсон ҳаётига тажовуз қилиш” фактлари бўйича жиноий иш қўзғатилиб, улар устидан тезкор тергов ишлари олиб борилиб, яна кимлар жабр кўргани ва қандай жиноятлар содир қилинганлиги аниқланмоқда.

**Юлдуз АШИРОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майори**

*Турфа олам*

# “АҚЛЛИ” ҚОНУНБУЗАР

Қонунни бузиш учун катта ёшдаги киши бўлиши шарт эмас экан. Бунга 12 ёшли америкалик болакай қилган иш гувоҳ бўла олади. У “компьютер ва молиявий товламачиликда” айбланиб, қамоққа олинган. Полициянинг хабар қилишича, Мичиган штатида яшовчи бу бола (унинг исми негадир айтилмаётир) ўз шахсий компьютери, орқали “Ти-ардабл’ю” компаниясининг электрон системасига “кириб”, мижозларнинг пул маблағларини ўз омонат дафтарчасига ўтказиб олган.

# АФСУНГАР ЎЛИМИ

Аксарият камерунликлар Медуза тахаллусли мамлакатдаги машҳур афсунгар Жозер Батумнинг ўлими муносабати билан матбуотда изҳор этилган таъзияномага ишонмади. Негаки, сеҳргарнинг илон чақиши, йўл ҳаракатидаги бахтсиз ҳодисалар, ўқлар, пичоқ санчилиши, борингки барча бало-қазолардан афсун билан “ҳимояланган” ҳаммага маълум эди. Медуза ўз сеансларида давомида томошабинларни ҳаётининг боқийлигию, дахлсизлигига бир неча маротаба ишонтирган. Масалан, яқинда бўлиб ўтган чет эл сафари вақтида у томошабинларнинг олдидан оғоҳлантириб, “ўлган” ва ҳатто экспертларга бунга ишонч ҳосил қилиш имконини берган, кейин эса яна тирилган. Ҳозир ҳам камерунликлар таъзияномага қарамай афсунгарнинг тирилишини кутишмоқда, негаки, у ўлимидан сал илгари ҳаётидаги энг катта ишга тайёргарлик кўраётгани ва бунинг учун ер юзини вақтинча тарк этиши зарурлиги тўғрисида гапирган экан.

# ФУТБОЛ КЎРИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Германиянинг унча катта бўлмаган Пассау шаҳри аҳолиси футболни ёқтирмайди, лекин пиво уларнинг жон-дили. Шаҳардаги “Вайсес Кройце” пивохонаси жуда машҳурдир. Италияда жаҳон биринчилиги ўтаётган шу кунларда пивохона эгаси ўз оромгоҳидаги ойнаи жаҳонда футбол ўйинини томоша қилишни қатъиян тақиқлаб қўйди. Бундан ташқари, кимда-ким футбол ҳақида оғиз очса, у жаҳон биринчилиги тугагунга қадар пивохонага қўйилмайди.

*Спорт*

## ЭНГ КУЧЛИ ПОЛВОНЛАР БАҲС ЮРИТАДИ

**Ўзбек курашининг жаҳон узра муваффақиятли одим ташлаши натижасида ҳозирда барча қитъалардаги мамлакатларда кураш федерациялари ташкил этилиб, самарали фаолият олиб бормоқда.**

Дарҳақиқат, 1998 йилда шаҳримизда илк йирик халқаро мусобақа ўтказилган, дастлабки жаҳон чемпионати ҳам 1999 йилда мамлакатимиз пойтахтида ташкил этилган бўлса, орадан ўтган нисбатан қисқа вақт ичида барча қитъалар чемпионати ҳам муваффақият билан уюштирилиб, жойларда кўплаб кураш юлдузлари етишиб чиққанлигини қувонч билан таъкидлаш жоиз.

Ўтган даврда ўзбек кураши бўйича тўрт бор жаҳон чемпионатлари ўтказилган бўлса бешинчисини яна кураш Ватани — мустақил юртимиз қабул қилади — 26-27 ноябрь кунлари Тошкент энг нуфузли мусобақага жаҳондаги энг кучли полвонларни чорлайди.

Кеча Миллий матбуот марказида ушбу кутлуғ воқеага бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида Кураш халқаро ассоциацияси президенти Комил Юсупов бешинчи жаҳон чемпионатининг ташкилий томонлари, унинг иштирокчилари тўғрисида батафсил маълумот бериб, йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Шуни таъкидлаш керакки, навбатдаги жаҳон чемпионатида 70 га яқин мамлакатдан келган полвонларнинг ғалаба учун кураш олиб бориши кутилмоқда. Чемпионатда эркак кураш усталари еттита, аёллар эса саккизта вазн тоифалари бўйича ўзаро баҳс юритишади. Албатта энг қизиқарли ва ҳаяжонли беллашувлар мутлақ вазн тоифаларида бўлиб ўтади.

Бундай нуфузли турнирлар доирасида турли анжуманларнинг ташкил этилиши доимий анъана тусига кирганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу гал ҳам 5-жаҳон чемпионати давомида Кураш халқаро ассоциацияси ижроия қўмитасининг йиғилиши ҳамда ассоциациянинг VI Конгрессининг ўтказилиши кўзда тутилган. Уйлаймизки, жаҳон чемпионатида аввалги шундай турнирлардаги каби кўплаб иқтидорли полвонлар, янги номлар кашф этилади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**Азалдан халқимизда фарзандларни бирор иш ўрганиши учун шогирдликка беришдан аввал устозларнинг ўз касб сирларини қай даражада эгаллаганликларини сўраб-суриштириш одат бўлган. Ота-оналар устознинг амалий иш жараёнлари билан яқиндан танишиб, ўз ишининг пири эканлигидан қаноат ҳосил қилгачгина фарзандларини шогирдликка тавсия қилганлар.**

*Семинарлар*

# УСТОЗЛАР ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДА

Ўтган куни шаҳримизда ўз ишини бошлаган «Оғир атлетика бўйича халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш» мавзусидаги беш кунлик семинарни юқорида қайд этилган ўгитга амал қилган ҳолда ташкил этилган дейиш мумкин.Зеро унда асосий эътибор юртимизда фаолият олиб бораётган мураббийларнинг маҳоратини янада оширишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Олимпия бирдамлиги ва оғир атлетика федерацияси билан ҳамкорликда ўтказилаётган бу тадбирда республикамизнинг барча вилоятларидан келган 34 нафар оғир атлетика бўйича мураббий ва мутахассислар иштирок этмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Халқаро оғир атлетика федерациясига 1993 йилда аъзо бўлган бўлса, бугунги кунга келиб спортнинг бу тури нафақат пойтахтимизда, балки чекка-чекка қишлоқларда ҳам оммалашиб бораётгани туфайли республика федерациясининг фаолияти анча такомиллашиб бормоқда. Чунончи, кўплаб оғир атлетикачилар жаҳон, қитъа мусобақаларида, Олимпиада ўйинларида терма жамоа таркибида қатнашиш билан бирга яхши натижаларга ҳам эришмоқдалар. Ҳамюртимиз А.Манишев 1993 йилда Польшада бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида ўта оғир вазнда биринчи олтин медални қўлга киритган бўлса, Японияning Хиросима шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида Д.Фролов ва И.Халиловлар бронза, Эрондаги жаҳон кубоги учун мусобақада И.Халилов — олтин, Ж.Лейбман — кумуш ва Д.Фролов — бронза медалларининг соҳиблари бўлишган. Хитойдаги қитъа биринчилигида эса терма жамоамиз 21 та медаль жамғариб, юртимиз тарихида илк маротаба Осиё чемпиони бўлган.

Дарҳақиқат, донишмандлар «Устоз отангдек улуғ» деб бежиз айтмаганлар. Халқаро оғир атлетика федерацияси эксперти Василий Беляевнинг фикрини таъкидлаган ҳолда, спортчиларнинг жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритишида албатта, мураббийларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш жоиз. Шундай экан, мазкур семинар устоз-мураббийларнинг билим тажрибасини янада оширишга хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Хайрли мақсадлар кўзланган мазкур семинар 29 октябргача қадар давом этади.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

**Ўтган куни чемпионликка даъвогар "Пахтакор" жамоаси мамлакат XIV миллий чемпионатининг 24-турида "Тўпаланг" жамоаси билан сафарда куч синашди.**

*Футбол*

## САФАРДАГИ ҒАЛАБА

Шуни таъкидлаш жоизки, чемпионат якунланишига икки тур қолган бўлса-да, ҳар бир жамоа очкога эга бўлиш мақсадида шиддатли кураш олиб бормоқда. Турнир жадвалининг энг юқори поғонаси учун кураш эса "Пахтакор" ҳамда "Машъал" жамоалари ўртасида кечмоқда. Шу боисми, "Пахтакор" жамоаси аъзолари сафарда тўп суришларига қарамай ҳужумкор, тезкор, комбинацион ўйин намойиш этишди. Тўп билан муомала қилишда, майдон марказини эгаллашда, жамоадошларига тўпни аниқ узатиб рақиб дарвозаси олдида хавфли ҳужумлар уюштириш бобида тўлиқ устунлик қилган пойтахтлик футболчилар 90 дақиқа мобайнида мезбонлар дарвозасини уч марта аниқ нишонга ола билишди. Соломин ва Солиев (2 та) томонидан киритилган тўплар "Пахтакор"га 3:0 ҳисобидаги муҳим ғалабани туҳфа этди.

Қолган баҳслар қуйидагича якунланди: "Сўғдиёна"–"Машъал"– 0:1, "Локомотив"– "Қизилқум"– 1:3. Азалий рақиблар "Нефтчи"– "Навбаҳор" учрашуви 12-ноябрда ўтказиладиган бўлди.

Эндиликда "Пахтакор"– "Машъал" ўртасида 29 октябрда ўтказиладиган кечиктирилган тур баҳсидан сўнг чемпион номи маълум бўлади.

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг 25-тур учрашувлари эса 1,2 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

*Мунажжим башорати*

## СУКУТ — ОЛТИНГА ТЕНГ

**28 ОКТЯБРЬ, ЖУМА**

**Бугунги кунни мунажжимлар ботқоқлик ва бақа билан боғлашади. Бақа инсонга ҳеч қандай наф келтирмайдиган оқилу донолик ёки ўз фазилатларига маҳлиёлик рамзи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам илми нужум бугун одамларни беҳуда куч-ғайрат сарфламасликка даъват этади. Акс ҳолда жуда нохуш ҳолатлар юз бериши мумкин. Шунингдек , бугун гапиришдан кўра, кўпроқ сукут сақлаш афзал экан. Айниқса, шу куни туғилганларга бу гап бевосита алоқадордир.**

Яна бир мунажжимимиз фикрига кўра, самода Зуҳро юлдузи билан Плутон сайёраси қувватларининг бирлашиши Ерда инсонлар орасида эҳтирослар ва қизиқонлик авж олишидан огоҳлантиради. Лекин, шу билан бирга, муҳаббат изтиробларининг ёрқин дилхушликка айланиш имконига эга бўлиши ҳам бор. Ой сайёрасининг Паризод буржида бўлиши эса, кўпчилик кишилар эътиборини майда-чуйдалару диққинафас тафсилотларга жалб этадики, бу ҳолат уларнинг ҳаётга муносабатларини ақл мезонига солиб қўяди.

Кўпроқ ҳордиқ чиқариб, кунни эҳтиёткорлик билан ўтказиш мақсадга мувофиқ. Шошқалоқлик ва ортиқча фаоллиқдан ўзингизни тийинг. Бемаъни майда-чуйдалар билан бошингизни қотириб, миянгизни чалғитишга интилувчилардан ўзингизни олиб қочинг. Бугун ўғри тушиши ҳамда буюм ва нарсаларни йўқотиш эҳтимоли юқори бўлиб, алдов ёки гипноз қурбони бўлишингиз ҳеч гапмас.

Янги буюмлар, айниқса, кийим-кечакларни харид қилмаганингиз маъқул — зеро, улар тез тўзиб кетади. Кечқурун ҳаммом буғхонасига тушиш, терингизни парваришлаш , уқалатиш ҳамда танани тозаловчи муолажалар фойдали бўлади.

Сув билан боғлиқ барча аломатлар бугун турли нохушликлардан огоҳлантиради. Майда-чуйда нарсалар ва буюмларингизни йўқотиш — муаммолардан халос бўлишингизга ишора.

Тушингизда оқ рангни, умуман оқликни кўрсангиз — бу сирли ҳимоянгиз борлигидан хабардир. Сўгал ва холларни олдириш мумкин, лекин жиддий жарроҳлик муолажаларини кечиктириб туриш мақсадга мувофиқрокдир. Тиш олдириш ва сунъий тиш қўйдириш ҳам бугунча номатлубдир.

Кийим-кечаклардан ранги ўчган ёки яшилкка мойил ҳимоя рангли либосларга бугун устуворлик бериш ўринли бўлади. Ёрқин ва ола-була рангли барча кийимларингизни бугунча киймай тура туринг.

**БУГУН:**

— унча муҳим бўлмаган ишлар билан банд бўлиш;

— ишингизнинг катта қисмини электрон ёки рўзғор техникаси зиммасига юклаш;

— ноумидлик ва тушкунликдан йироқ бўлиб, кун воқеаларига юмор кўзи билан қараш;

— кунни имкон қадар беташвиш ва қувноқлик билан ўтказиш;

— қийин дамларда ёрдам сўраб дўстларингиз, тенгдошларингиз ва танишларингизга мурожаат этишингиз тавсия қилинади.

Янги ишга қўл уриш, моддий аҳволингизга таъсир этадиган хатти-ҳаракатлар қилиш, саховат ва олижанобликни намоён этиш, ҳужжатлар, чеклар, квитанцияларга беэътибор бўлиш хавф-хатар туғдириши мумкин.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент оқшоми
Вечерний Ташкент
Сиз билан ҳафтасига беш кун бирга!
Ҳеч қандай муаммоларсиз турли-туман ахборотлар, маълумотлар, телевидение дастури, кроссворд, сканвордлар билан танишиш имкониятига эга бўласиз.



Газеталарга шаҳримиздаги барча алоқа бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.
Агарда савол туғилса, 133-28-95, 136-55-83 телефонларига қўнғироқ қилинг.

Тошкент Молия институти бўш /вакант/ «**Бизнес ва иқтисодиёт**», «**Бухгалтерия ҳисоби**» кафедралари мудирлиги лавозимига ва қуйидаги кафедралар: «**Қимматли қоғозлар бозори**» профессор в.б. /1/, доцент /4/, катта ўқитувчи /4/, «**Иқтисодий информатика**» катта ўқитувчи /2/, ассистент /2/, «**Ўзбекистон тарихи**» катта ўқитувчи /1/, «**Математика**» доцент /1/, катта ўқитувчи /1/, «**Бизнес ва иқтисодиёт**» катта ўқитувчи /2/, ассистент /2/, «**Бухгалтерия ҳисоби**» катта ўқитувчи /1/, «**Аудит**» катта ўқитувчи /3/, «**Молиявий менежмент**» доцент /1/, катта ўқитувчи /4/ лавозимларига

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Кичик Ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

**Тел: 134-66-58.**

**Ректорат**

ЎзЛиДеП Миробод туман Кенгаши ижроия қўмитаси Кенгаш аъзоси Рамзиддин Агзамович Авазмуҳамедовга опаси

**Марфухон КУЛАХМЕТОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-908. 1 2 3 4 6